

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ГРАММИДИН® НЕО

Препаратнинг савдо номи: Граммидин® нео

Таъсир этувчи моддалар (ХПН): грамицидин С+цетилпиридиний хлориди

Дори шакли: шимиш учун таблеткалар

Таркиби:

1 таблетка куйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар: грамицидин С дигидрохлориди 3,20 мг (грамицидин С га қайта ҳисоблаганда – 3,00 мг)

цетилпиридиний хлориди моногидрати – 1,05 мг (цетилпиридиний хлоридига қайта ҳисоблаганда – 1,00 мг);

ёрдамчи моддалар: коллоид кремний диоксиди, тальк, калий ацесульфами, ялпиз ароматизатори, сорбитол, магний стеарати.

Таърифи: оқ рангли, думалоқ, икки томонлама қавариқ, бир томонида “GR” ёзуви бўлган таблеткалар.

Фармакотерапевтик гуруҳи: антибиотик+антисептик восита.

АТХ коди: R02AB30.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Томоқ ва оғиз бўшлиғининг инфекцияли-яллиғланиш касалликларини даволаш учун мажмуавий препаратдир. Препаратнинг таркибига микробларга қарши восита грамицидин С ва антисептик восита - цетилпиридиний хлориди киради.

Грамицидин С нинг таъсир механизми микроб хужайрасининг цитоплазматик мембранасининг ўтказувчанлигини ошиши билан боғлиқ, бу унинг чидамлилигини издан чиқаради ва хужайрани нобуд бўлишини чақиради.

Грамицидин С оғиз бўшлиғи ва ҳалқумнинг инфекцияли касалликларини қўзғатувчиларига нисбатан яққол микробларга қарши таъсир кўрсатади.

Цетилпиридиний хлориди антисептик воситаларга киради. Оғиз бўшлиғида инфекцияли касалликларининг қўзғатувчиларини ўсиши ва кўпайишини сусайтиради.

Препарат яллиғланишни камайтиради, микробларга қарши таъсир кўрсатади, томоқдаги ёқимсиз ҳисни юмшатади, ютишни енгиллаштиради, шимилганда гиперсаливацияни чақиради, у оғиз бўшлиғи ва ҳалқумни микроорганизмлардан механик тозаланишига ёрдам беради.

Фармакокинетикаси

Препарат маҳаллий таъсирга эга ва деярли меъда-ичак йўлларида сўрилмайди, бу деярли тизимли самараларини бутунлай йўқлигини белгилайди.

Қўлланилиши

Оғиз бўшлиғи ва томоқнинг инфекцион-яллиғланиш касалликлари: ангина, фарингит, тонзиллит, пародонтоз, гингивит, стоматитда қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Овқатдан кейин чайнамасдан оғизда шимиш йўли билан қўлланади.

Препаратни бевосита қўллагандан кейин 1-2 соат давомида овқат ва ичимликларни қабул қилишдан сақланиш лозим.

Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун дозалари: 1 таблеткадан кунига 3-4 марта.

4 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун дозалари: 1 таблеткадан кунига 1-2 марта.
Препарат 7 кун давомида қабул қилинганида терапевтик самара бўлмаса шифокорга мурожаат қилиш тавсия қилинади.

Ножўя таъсирлари

Алоҳида ҳолларда препаратнинг компонентларига аллергик реакциялар кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

- препаратнинг таркибига кирувчи компонентларга юқори сезувчанлик;
- 4 ёшгача бўлган болалар;
- ҳомиладорлик (I уч ойлик) да қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Граммидин® нео бошқа маҳаллий ва тизимли таъсирга эга микробларга қарши воситаларнинг самараларини кучайтиради.

Махсус кўрсатмалар

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Препаратни ҳомиладорликнинг I уч ойлигида қўллаш тавсия қилинмайди.

Препаратни қабул қилиш вақтида эмизишни тўхтатиш керак.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Препарат махсус диққат ва реакция тезлигини талаб қилувчи потенциал хавфли фаолият турларини (автомобилни ва бошқа транспорт воситаларини бошқариш, ҳаракатланувчи механизмлар билан ишлаш, диспетчер ва оператор ишлари ва бошқ.) бажариш қобилиятига таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Симптомлари: тавсия этилган юқори дозаларда препаратни қабул қилиш кўнгил айланиши, қусиш, диарея, тил сезувчанлигини йўқолишини чақириши мумкин.

Даволаш: препарат қабулини тўхтатиш ва шифокорга мурожаат қилиш керак.

Чиқарилиш шакли

Шимиш учун таблеткалар 3 мг +1 мг.

9 таблеткадан поливинилхлорид пленкадан ёки поливинилхлорид/поливинилиденхлорид плёнкадан ва босма лакланган алюмин фолгадан контурли уяли қадоқда.

9 таблеткадан 2 контур қадоқ тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан картон қутига жойлаштирилади.

Сақлаш шароитлари

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

«Валента Фарм» АЖ

141108, Россия, Москва вилояти, Щелково ш., Фабричная кўч., 2 уй.
Тел.: +7(495) 933-48-62, факс +7(495) 933-48-63.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситалари сифати бўйича эътирозлар
(таклифлар)ни қабул қилувчи ва уларни рақамли идентификацияси учун жавобгар
ташкилотнинг номланиши ва манзили**

Ўзбекистон Республикасида "Валента Фарм" АЖ Ваколатхонаси
100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 4 Б, 309-офис.
Тел.: (+99893) 180 19 15.